

# Бугуннинг умиди — эртанинг суюнчи

Инсон ҳамиша эртанги кунни бугунгидан файзли, гўзал бўлишини орзу қилади. Шубҳасиз, ўзининг эртанги кунни, орзу-истакларининг рўйбени фарзандлари тимсолида кўради. Юртбошимиз «Барча зину ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажатини кўриш, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради», дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, эртанги кунимизнинг қандай бўлиши бугун баркамол авлод таълим-тарбиясида боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, илк қабул қилинган қонунлар ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бундан ташқари, қўлбал давлат дастурлари қабул қилинди. Уларнинг самарали юқсини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилётгани ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далolatдир.

2010 йил 27 январда Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди. Қарорда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бу борадаги меъърий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизда ёшларга қўрсатилган гамқўрлик, таълим, маданият, спорт соҳасини ривожлантиришдаги кенг камровли изоҳотлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши кузатилмоқда. Жумладан, ўтган 2009 йилда болалар ўртасида жиноятчилик 2,6 фоизга камайди. Аммо вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан қўрилаётган чораларга қарамадан, болаларнинг қаровсиз қолиш ҳоллари ҳамон ташвишли бўлиб турибди.

Тақдирлар шуни ҳўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти тунги вақтларга тўри келмоқда. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсини кузатувсиз рестороанлар, интернет кафедрлар, барлар, диско-текалар, кинотеатрлар каби хизматлар қўрсатиш хоналари ёки кўнгличар, дам олиш жойларинда бўлишига йўл қўйилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш зарурати юзага келди.

Маъмур ҳўлат чуқур ўрганилиб, таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан «Ўзбекистон Республикасининг

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган эди. Маъмур лойиҳа Қонунчилик палатасида чуқур муҳокамадан ўтди. Депутатлар, турли фракциялар томонидан қўлбал фикрлар, тақиқлар билдирилди. 2010 йил 23 апрель кўни палата ялли мажлисида маъмур қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юбориладиган бўлди.

Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, кеч соат 22 дан то соат 6 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Демак, вояга етмаган бола (18 ёшгача) тунги соатларда ота-она ёки уларнинг ўрнини босадиган вақилсиз кафе-ресторанларга киритилса, маъмур муассаса раҳбарига нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Қонунда ҳуқуқбузарликнинг субъектига энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жазима солиш назарда тутилмоқда.

Бундай чора болага етти қўшни ота-она деган миллий тушунчамизга мос бўлиб, фарзанд тарбиясида жамоатчиликнинг масъулиятини оширади. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни миллий кадриятларимиз ва аъналаримизга ҳўрмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам ушбу ҳўлатларни профилактика қилиш тизимини яншидорлар ва муассасаларнинг ўзларига юқлатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан оширишга қаратилган. Мамлакатимизнинг бугунги кўни ва эртаси, юртимиз келажиги билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга қаратилган маъмур қонунлар қабул қилинишини Ўзбекистон ХДП фракцияси фаол қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Халқро ҳамжамият ва таррақий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини заи учун энг улур, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади».

Ушбу мақсад йўлида меҳнат қилиш, фарзандларимиз таълим-тарбияси учун қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Комила ҚАРОВОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**